

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«КЕЛИШИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазири А.Ҳ.Тошқулов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти ректори
М.Э.Пўлатов

«__» _____ 2021 й.

«__» _____ 2021 й.

5A230601 – «Давлат молияси ва халқаро молия» мутахассислиги бўйича
махсус фанлардан магистратурага кирувчилар учун

**ДАСТУРИ
ВА
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

САМАРҚАНД - 2021

Тузувчилар: СамИСИ, “Молия” кафедраси мудир, проф. Зайналов Ж.Р.
СамИСИ, “Молия” кафедраси доценти Хусанов Б.Ш.
СамИСИ, “Молия” кафедраси доценти Алиева С.С.

Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, СамИСИ,
“Молия” кафедраси профессори – Ходжаев Э.Н.

Ўзбекинвест ЭИСК АЖ Самарқанд вилоят филитали
директори - Тулаев Д.Ю.

Дастур Олий Таълимнинг “Молия” таълим йўналишида ўтилган
фанлар, шу жумладан, “Молия”, “Давлат бюджети”, “Халқаро молия
муносабатлари” ва “Корхоналар молияси” фанлар мажмуасини ўзида акс
эттирган.

Мазкур дастур 5А230601 – «Давлат молияси ва халқаро молия»
мутахассислиги бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш
синовларини топширувчиларга мўлжалланган.

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия”
кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ҳамда тавсия этилган (2021 йил 26
июн 10 сонли мажлис баёни)

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-
услугий Кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия этилган
(2021 йил __ июн __ сонли баёни).

Кириш

«Давлат молияси ва халқаро молия» мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар синов топширишда махсус фанлар етакчи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун магистратурага кирувчилар «Молия» таълим йўналиши доирасида тўлиқ ўзлаштириб олишган фанлардан ташкил топган махсус фандан синов топширишда куйидаги фанларга алоҳида эътибор қаратишлари муҳимдир, яъни «Молия», «Давлат бюджети», “Халқаро молия муносабатлари” ва “Корхоналар молияси”. Бунда магистратурага кирувчилар молия, солиқ, бюджет, суғурта каби иқтисодий категорияларнинг моҳиятларини, функцияларини, иқтисодиётдаги ролини, уларнинг таркибий қисмлари билан боғлиқ саволларни, уларга тааллуқли муаммолар ечимини билишлари ва ёрита олишлари муҳимдир. Шунингдек, синов жараёнида абитуриентларнинг мутахассислик бўйича илмий, илмий-техник ахборотлар билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш бўйича билимларига ҳам катта аҳамият қаратилади.

Шу боис давлат молияси ва халқаро молия муносабатлари борасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш долзарб ҳисобланади. Бу ўринда фан соҳасида чуқур билимга эга бўлган, мутахассисликка мос илмий, илмий-педогогик қобилияти ва қизиқиши бор абитуриентларни магистратурага қабул қилиш катта аҳмият касб этади. Ушбу махсус фанлар дастури айнан шу масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Шунинг учун давлат молиясини самарали бошқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга кўра давлат молиясини бошқаришга назарий ва амалий қўникмага мукамал эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш лозимдир.

Ушбу махсус фанлар дастури фақат “Молия”, “Давлат бюджети», “Халқаро молия муносабатлари” ва “Корхоналар молияси” фанлари бўйича тасдиқланган дастурларда келтирилган мавзулари аосида тузилган.

Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Мутахассислик бўйича магистратурага ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган синов дастурининг асосий мақсади ва вазифаси молия, давлат молияси, давлат бюджети, халқаро молия, корхоналар молияси, корпоратив молия, суғурта, молиявий назорат тушунчаларини назарий ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда уларга тааллуқли мавзулар ва саволларни баён қилишдан иборат. Шунингдек дастур саволларга берилган жавобларнинг баҳолаш мезонларини ҳам белгилаб беради.

Махсус фанлар бўйича магистратурага ўқишга кирувчи бакалаврларнинг билимига, тайёргарлигига ва кўникмаларига кўйиладиган талаблар

Махсус фанлар доирасида тузилган синов дастурида молия, давлат молияси, давлат бюджети, давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи солиқли ва солиқсиз тушумлар, халқаро корпоратив, корпоратив молия, корхоналар молияси, суғурта, молиявий назоратнинг моҳияти, функциялари,

бозор иқтисодиёти шароитидаги роли ва ўрни, уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари каби саволлар назарий ҳамда амалий жиҳатдан кўриб чиқилади, шундан келиб чиққан ҳолда 5A230601 – «Давлат молияси ва халқаро молия» мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчи:

- махсус фанларни ўрганиш даврида ҳар бир мавзу бўйича таянч ибораларига ҳам жавоб бериб, тегишли масалани еча олиши;

- махсус фанларни ўзлаштириш натижасида молия, давлат молияси, халқаро молия, корпоратив молия, корхоналар молияси, суғурта ҳоказо муносабатларида бўладиган ўзгаришларни билиши;

- мутахассисликка оид илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш бўйича билимга эга бўлиши лозим.

Махсус фанлардан синов мавзуларини бошқа умумқасбий фанлар билан алоқаси

Махсус фанларни ўрганиш давомида бакалавр уни бошқа умумқасбий фанлар билан узвий боғлиқлигини тушунган ҳолда молия, давлат бюджети, суғурта, корпоратив молия ва бошқа муносабатларининг ролини ва ўрнини кўрсатиб бераоладиган даражада билишлари лозим.

Махсус фанларни ўрганиш магистратурага синов топшириб кириш учун тайёргарлик кўришда асос бўлиб ҳисобланади. Шу боис, махсус фанлардан тузилган синов саволларига жавоб беришда қуйидаги фанлар билан, яъни, “Суғурта назарияси ва амалиёти”, “Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш”, “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Корпоратив молия”, “Бизнес молияси”, “Халқаро молия муносабатлари”, “Молия бозори” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини эътироф этиш муҳимдир.

Асосий қисм

“МОЛИЯ” фани бўйича мавзулар

“Молия” фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги.

Молиянинг моҳияти, функциялари ва уларни амал қилиш хусусиятлари. Молиянинг тамойиллари ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида молия.

Молия сиёсати ва механизми. Молия тизими. Молиявий сиёсатнинг мазмуни. Молиявий сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми эканлиги. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат молиявий сиёсатининг мақсад ва вазифалари. Молиявий стратегия ва молиявий тактика, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Молиявий сиёсатнинг мақсад ва вазифалари. Молия механизми,

унинг мазмуни. Молия механизмининг мамлакат хўжалик механизмида тутган ўрни, роли ва аҳамияти. Молия механизмининг таркибий қисмлари. Молиявий сиёсатни шакллантиришга назарий-амалий ёндошув муаммолари. Молиявий механизми элементларини ташкил этиш бўйича мисоллар ечиш.

Молия тизими ҳақида тушунча. Молия тизимининг тузилиш тамойиллари.

Давлат кредити ва давлат қарзи. Давлат кредитининг ижтимоий - иқтисодий моҳияти ва мазмуни. Давлат кредитининг объектив зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги. Давлат кредит фаолияти турлари. Давлат кредитининг шакллари: давлат заёмлари, аҳолининг омонатга қўйган жамғармаларининг бир қисмини давлат заёмларига жалб қилиш, умумдавлат ссуда фондидан қарз олиш, ҳазина ссудалари, кафолатланган заёмлар. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида мақсадли белгиланган давлат қарзларини ва уларни жалб этиш манбалари.

Маҳаллий молия. Маҳаллий молиянинг ижтимоий - иқтисодий моҳияти. Минтақавий сиёсатни олиб боришда маҳаллий молиянинг роли. Маҳаллий молиянинг тузилиши. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий молия тизимини такомиллаштириш йўналишлари. Маҳаллий бюджетлар. Бюджет субсидиялари. Субвенцияларнинг маҳаллий бюджетлар учун аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий молияни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари.

Маҳаллий бюджет даромадларини солиқли ва солиқсиз тушумлар билан ташкил этиш ва харажатларини тақсимлаш.

Молияни бошқариш ва молиявий назорат.

Молияни бошқаришнинг моҳияти, объектлари ва субъектлари. Молияни бошқаришнинг ташкилий тамойиллари. Молияни бошқариш элементлари. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида давлат молиясини бошқариш борасидаги устувор вазифалар.

Молиявий назоратнинг моҳияти ва функциялари. Давлат молия назорати. Нодавлат молия назорати. Молиявий назоратнинг тамойиллари ва тизими. Назоратнинг шакллари, объектлари, субъектлари. Назоратнинг турлари ва усуллари. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида молиявий назоратни амлага оширишга оид ўзгаришлар.

Солиқ ва солиққа тортиш. Солиқларнинг мазмуни, уларнинг гуруҳланиши. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. Божхона божи. Солиқ ва солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари. Солиқларнинг функциялари. Умумдавлат солиқлари. Маҳаллий солиқлар. Тўғри ва эгри солиқлар. Солиқларни оптималлаштириш масалалари. Солиқ декларацияси.

Бюджетдан ташқари мақсадли фондларга мажбурий тўловлар. Солиққа ториш механизмини оширишга амалий ижодий ёндошув. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида солиқ тизимига оид ислоҳатлар. Солиқ ислоҳотларини солиқ тўловчиларга таъсирини юмшатишга ижодий ёндошув.

Суғурта асослари. Иқтисодиётда суғуртадан фойдаланиш зарурияти. Суғуртанинг функциялари: таваккалчилик, огоҳлантирувчи, жамғарувчи ва баҳолаш. Суғурта турлари. суғурта тармоқлари. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта муносабатларининг ривожланиши. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг шаклланиши ва кенгайиши. Ижтимоий суғуртанинг бозор муносабатларининг ривожланиши билан жамиятда объектив тарзда юзага келадиган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида суғурта тизими ва суғурта бозорини ривожлантиришга оид ислоҳатлар.

Давлат буюртмалари, захиралари ва эҳтиёжларини молиялаштириш. Давлат ва маҳаллий давлат органлари буюртмалари. Давлат шартномалари. ёпиқ савдолар. Давлат мудофаа буюртмаси. Давлат буюртмаси. Давлат буюртмачисининг функциялари. Давлат моддий захиралари. Камаймайдиган моддий захиралар. Моддий захираларни мажбурий суғурталаш. Умумдавлат эҳтиёжлари.

Ижтимоий соҳалар ва уй хўжаликлари молияси. Давлат ижтимоий сиёсатининг моҳияти ва ҳозирги замон хусусиятлари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «ўзбек модели» ва унда ижтимоий ҳимоя тизими. Корхоналар ижтимоий фондлари. Ижтимоий хизматларга молиявий харажат меъёрлари. Ижтимоий - маданий соҳани бюджетдан молиялаштириш. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳоти ва унинг молиявий таъминоти. Уй - жой ва коммунал хўжалиги харажатларини молиялаштириш. Ижтимоий соҳалар йўналишидан келиб чиқиб харажатлар сметасини тузиш. Фуқароларга давлат томонидан бериладиган ижтимоий трансфертлар. Кам таъминланган оилаларга давлат ижтимоий ёрдамнинг моҳияти, вазифалари ва турлари. Фуқароларга ижтимоий нафақалар. Пенсия ва нафақаларнинг турлари. Аҳоли пул харажатларининг турлари. Аҳолининг мажбурий тўловлари ва ихтиёрий бадаллари. Аҳолидан ундириладиган солиқ ва йиғимлар. Аҳолининг суғурта тўловлари. Аҳолининг пенсия фондига мажбурий суғурта бадаллари. Ўй хўжаликлари даромадлари ва харажатларининг фарқи, уларни мукамал бошқаришнинг ҳозирги замон муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоясини кўчатиришга оид белгиланган чора-тадбирлар.

Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг зарурлиги, моҳияти ва вазифалари.

Инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Корхоналарда инновацион жараёни молиявий бошқаришга ижодий ёндошув. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021

йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришга оид устувор вазифалар.

Халқаро молия ва унинг жаҳон тараққиётида роли.

Халқаро молиянинг моҳияти ва функциялари. Халқаро молия оқимлари ва унинг йўналишлари. Халқаро молия тизимида давлатларнинг кредитор ва қарздор давлатлар гуруҳига бўлиниши. Халқаро молия тараққиётида халқаро ташкилотларнинг роли. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида халқаро молия ташкилотлари билан муносабатларга оид вазифалар.

“ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ” махсус фани бўйича мавзулар

Давлат бюджети ва бюджет тизими.

Давлат бюджетининг ижтимоий - иқтисодий моҳияти. Бюджет тизимининг бўғинлари. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Турли даражадаги бюджетлар даромадлари. Натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш услубини қўллаш орқали маблағларни самарали бошқаришга ижодий ёндошув. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этишда амалий ва ижодий ёндошув. Давлат бюджетининг даромадлар қисмини ғазначилик ижроси жараёни билан қамраб олиш масалалари. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида давлат бюджети даромадларини шаклланишини такомиллаштиришга оид устувор вазифалар.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлари.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлари. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлари. Бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлардан фойдаланишга бўлган ҳақиқий эҳтиёж ва улардан фойдаланиш. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлари. Давлат ижтимоий суғурта фонди, унинг мазмуни ва тайинланиши. Пенсия фонди, унинг мазмуни вазифалари, шаклланиш манбалари. Давлат бандлик фонди ва бошқа нобюджет фондлар, уларнинг мазмуни ва тайинланиши, маблағларнинг шаклланиш манбалари ва харажатлари йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида давлатнинг бюджетдан ташқари фондларини фаолиятини такомиллаштиришга оид белгиланган чора-тадбирлар.

Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағ топиш фаолиятини ташкил этиш муаммолари ва ечимлари. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларни фаолиятини самарадорлигини баҳолашда амалий-ижодий ёндошув. Маҳаллий бюджетлар. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари, уларнинг таркиби ва тузилиши. Маҳаллий бюджетларнинг солиқли ва солиқсиз даромад ва тушумлари, уларнинг нисбати.

“КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ” махсус фани бўйича мавзулар

Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни ва уларни мустаҳкамлаш.

Корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва уларнинг корхоналарни молиявий муносабатларига таъсири. Акционерлик жамиятлари молияси. Маъсулияти чекланган жамиятлар молияси. Кичик ва хусусий корхоналар молияси. Корхоналарнинг бюджет, нобюджет фондлари, тижорат банклари ва бошқа муассасалар билан муносабатлари. Корхоналардаги молия хизматининг функция ва вазифалари.

Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари моҳияти.

Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари сметасини тузиш тартиби. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш. Корхоналарда маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятида баҳолар тизими, унинг таркиби ва баҳонинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушумни режалаштириш. Оддий ва иқтисодий ёки аналитик услуб. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни тақсимлаш тартиби.

Корхоналар фойдасининг мазмуни ва моҳияти.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фойдасининг аҳамияти. Корхона ялпи ва соф фойдасининг моҳияти ва аҳамияти. Корхоналар фаолиятини рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиш тартиби. Корхоналар фойдасини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни максималлаштириш. Корхоналар фойдасини башоратлаш асослари.

Корхоналар даромадидан тўланадиган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти ва туркумланиши.

Корхоналар даромадидан тўланадиган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти ва туркумланиши. Солиққа тортилувчи фойда миқдорини аниқлаш. Амалдаги солиқ қонунчилигида корхоналар учун мавжуд солиқ имтиёзлари.

Инвестицияларга оид тушунчалар мазмуни.

Инвестиция таснифи, аҳамияти, инвестицион “портфели” ва сиёсати. Инвестиция манбалари ва уларнинг корхонага кўйиш соҳалари. Инвестициявий лойиҳалар самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни аниқлаш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йўллари

Бозор шароитида баҳони шакллантиришнинг омиллари ва хусусиятлари. Бозор тараккиёти боскичларига кўра баҳо шаклланишининг хусусиятлари. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг баҳо шаклланишига таъсири. Корхона фойдасининг баҳо шаклланишига таъсири. Корхонанинг баҳо сиёсати ва баҳони шакллантириш стратегияси. Баҳони ҳисоблашда риск даражасининг баҳоланиши. Корхонада баҳони шакллантириш стратегиясининг тўғри танланиши.

Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши

Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши, моҳияти ва корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари. Корхона ўз капитали алоҳида элементларининг молиявий баҳоланилиши. Корхона эмиссия сиёсатининг долзарб вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари.

Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари.

Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари ва инвестицион стратегияларининг турлари. Корхона фонд портфелининг диверсификацияси. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолаш. Қимматли қоғозлар портфелининг мониторинги. Акционерлик жамияти қимматли қоғозлари инвестицион жалб этувчанлигини баҳолаш. Портфел инвестициялар билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш усуллари.

Корхоналарда молиявий режалаштиришнинг моҳияти ва мазмуни. Молиявий режалаштиришнинг корхона фаолиятидаги ўрни ва унинг кўрсаткичлари. Молиявий режалаштиришнинг тамойиллари ва усуллари. Корхоналарда бюджетлаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Корхона молиясини бошқаришда оператив молиявий режалаштириш таснифи ва мазмуни.

Корхоналарда молиявий бизнес-режа тузишнинг аҳамияти ва моҳияти.

Молиявий бизнес режани тузиш услуги. Бизнес режанинг бўлимлари ва уларнинг таснифи. Корхоналар фаолиятини рақамлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти. Корхоналарда рақамли трансформациялашнинг ўзига хос хусусиятлари. Рақамли молиявий хизматлар. Кибермуҳитни глобаллаштириш шароитида рақамлаштириш rischi.

“ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ” махсус фани бўйича мавзулар

Халқаро молиянинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

Жаҳон молиявий муҳити ва унда халқаро молия муносабатларининг тутган ўрни. Миллий иқтисодиёт ривожланишида халқаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви тушунчасининг моҳияти ва унинг асосий жиҳатлари. Глобаллашув жараёнининг асосий манбалари, омиллари ва ривожланиш босқичлари. Глобаллашувнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигига таъсири. Иқтисодий цикл ҳаракати ва молиявий инқироз: моҳияти ва хусусиятлари. Халқаро молия бозорида инқирозлар юзага келиш омиллари ва концепциялари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келишининг асосий сабаблари. АҚШ молиявий ҳолати ва ривожланиш истикболлари. Инқироз босқичлари ва глобал молиявий барқарорлик

Халқаро молия ташкилотлар ривожда кредит ташкилотларининг ўрни.

Халқаро молия ташкилотларининг таснифланиши ва умумий тавсифи. Халқаро Валюта Фондининг мақсади ва фаолиятининг моҳияти. Халқаро молиявий муносабатлардаги халқаро кредит ташкилотларининг роли. Жаҳон банки гуруҳи ва унга қирувчи ташкилотлар фаолияти. Минтақавий валюта-кредит ва молия ташкилотлари. Валюта тизими ва унинг ривожланиш босқичлари. Жаҳон валюта тизими ва унинг асосий функциялари. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари ва унинг хусусиятлари. Европа валюта тизимининг асосий элементлари ва ривожланиши босқичлари.

Халқаро валюта операциялари ва валюта бозори.

Валюта курси ва унинг турлари. Валюта операцияларининг моҳияти. Валюта сиёсати. Халқаро молия муносабатларида рискларни бошқариш ва хеджирлаш стратегиялари. Валюта рисклари тушунчасининг иқтисодий моҳияти ва турлари. Валюта рискининг юзага келиш сабаблари. Валюта рискини бошқариш усуллари ва уларнинг моҳияти.

Халқаро корпорациялар халқаро молия муносабатлари субъекти сифатида.

Халқаро корпорацияларнинг жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли. Таянч мамлакатларда халқаро корпорациялар фаолиятига муносабат. Қабул қилаётган мамлакатларда халқаро корпорациялар фаолиятига муносабат. Халқаро иқтисодий интеграцияларни ташкил топиши. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, мақсади ва асосий шарт-шароитлари. Халқаро интеграцион бирлашмаларнинг асосий шакллари. Ғарбий Европада иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиш босқичлари. Иқтисодий ривожланиш даражаси турлича

мамлакатларнинг ҳудудий интеграциясига хос хусусиятлар (НАФТА). Ривожланаётган мамлакатлар ҳудудий интеграциясининг хусусиятлари (МЕРКОСУР). Осиё ҳудудий интеграциясининг хусусиятлари (АСЕАН, АПЕС ва ҳ.к.).

Халқаро молия муносабатларида тўлов балансини бошқариш.

Тўлов балансининг иқтисодий моҳияти ва тақдим этиш шакллари. Тўлов балансининг таркиби ҳамда уларга хос хусусиятлар. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар ва уни тартибга солишнинг асосий усуллари. Евробозорларнинг юзага келиши ва улардаги операциялар. Евробозорлар ва уларга хос хусусиятлар. Еврокредит бозори. Евровалютадаги қимматли қоғозлар бозори. Халқаро кредит ва инвестиция муносабатларининг ривожланиши. Халқаро кредит, унинг функциялари ва тамойиллари. Халқаро кредитнинг асосий шакллари. Халқаро кредит операцияларида факторинг ва форфейтинг. Ташқи иқтисодий фаолиятни узоқ муддатли молиялаштириш шакллари. Инвестиция лойиҳаларни узоқ муддатли халқаро кредитлаш. Халқаро лизинг операциялари. Халқаро молия бозори ва унинг ривожланиш хусусиятлари. Халқаро капитал ҳаракатининг моҳияти ва халқаро молия бозорининг таркибий тузилиши. Иккиламчи молиявий инструментлар. Молиявий деривативлар моҳияти ва уларга хос хусусиятлар. Ҳосила молиявий воситаларнинг асосий турлари. Кредит ва фойз деривативлари. Ҳосилавий молия инструментларининг глобал бозори ривожланиши. Иқтисодий зоналарнинг ташкил қилишнинг халқаро тажрибаси.

Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмуни, тамойиллари ва тузилиш сабаблари.

Эркин иқтисодий зоналарнинг турлари. Эркин бозорни ташкил этувчи элементлари. Эркин иқтисодий зоналарнинг турли мамлакатлардаги тажрибаси. Жаҳон иқтисодий интеграцияси жараёнларида эркин иқтисодий зоналарнинг роли. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни яратилиши истикболлари. Ўзбекистоннинг халқаро молия муносабатларига интеграциялашуви. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият ва унинг асосий тамойиллари. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишлари. Ўзбекистонда ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими. Ўзбекистоннинг халқаро валюта-кредит ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари. Ўзбекистоннинг интеграцион бирлашмалардаги фаолияти.

5A230601 – “Давлат молия ва халқаро молия” мутахассислиги бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кириш синовлари НАЗАРИЙ САВОЛЛАРИ

1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни.
2. Молиявий бошқарувнинг барча тизими давлатнинг молиявий сиёсатига асосланиши.

3. Замонавий иқтисодиёт ва давлат молияси.
4. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти
5. Молия ва давлатнинг вужудга келиши.
6. Молия ва ЯИМ ҳамда МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш.
7. Молия ва молиявий муносабатларнинг характерли белгилари.
8. Молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари.
9. Давлат молияси ва маҳаллий молия ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг бўғинлари.
10. Молиявий бошқарувнинг мазмун-моҳияти.
11. Молиявий бошқарувнинг бошқариладиган объектлари ва бошқарувчи субъектлари.
12. Молиявий режалаштириш.
13. Молиявий режалаштириш ва башоратлаш.
14. Молиявий режалаштириш ва молиявий режа.
15. Молиявий режалаштириш турлари ва ўзига хос хусусиятлари.
16. Молиявий назоратнинг принциплари
17. Давлат молиясининг таркибий бўғинлари
18. Молиявий назоратни ташкил этишнинг асосий принциплари
19. Молиявий назоратни ташкил этишнинг асосий принциплари
20. Хўжалик юритувчи субъект харажатларини таркиби.
21. Ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг аҳамияти.
22. Бюджет тизимининг бўғинлари.
23. Баҳо турлари, унинг таркибий тузилмаси ва баҳоларни шакллантириш методлари.
24. Молия муносабатларининг умумий тизимида уй хўжаликлари молияси ва унинг таърифи
25. Суғуртанинг функциялари
26. Ижтимоий таъминотнинг иқтисодий асослари ва принциплари ҳамда таърифи
27. Бюджет тизими: таърифи, принциплари.
28. Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари (йўналишлари)
29. Баҳо функциялари
30. Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари. Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
31. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар. Солиқларнинг гуруҳларга ажратилиши.
32. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг жорий қилиниши, иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Тўловчилар таркиби, солиқ объекти ва солиқ базаси.
33. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти ва унинг жорий қилиниши. Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти ва солиқ ставкалари.
34. Суғурта фаолияти классификаторининг тасдиқланиши ва таркиби.
35. Касбий жавобгарликни суғуртаси ҳақида тушунча. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартнома тузиш.
36. Ихтиёрий суғурта турларини ҳуқуқий тартибга солиш.

37. Мажбурий суғуртанинг айрим турлари ва уларга тавсиф.
38. Бюджет тизимининг асосий тамойиллари.
39. Сметаларни тузиш, текшириш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва молиялаштириш тартиби.
40. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг қабул қилиниши, унинг мазмуни, таркиби, бюджет муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти.
41. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган назорат.
42. Бюджетлараро муносабатлар тўғрисида тушунча.
43. Бюджет таснифининг зарурлиги, моҳияти, аҳамияти ва турлари.
44. Бюджет даромадларининг иқтисодий мазмуни ва манбалари.
45. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари, уларнинг гуруҳланиши.
46. Бюджет ижроси юзасидан ҳисоботлар тузиш, уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
47. Бюджетни ижро этиш, бюджетни ижросини таъминловчи органлар.
48. Пенсиялар ва ижтимоий нафақалар турлари, уларни тўлаш манбалари.
49. Маҳаллий ҳукумат органларининг бюджет ҳуқуқлари.
50. Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилиши асослари. Консолидациялашган бюджет тушунчаси.
51. Халқаро молияни иқтисодий моҳияти. Халқаро молия муносабатларининг асосий вазифалари.
52. Халқаро капитал ҳаракати.
53. Миллий валюта тизими.
54. Валюта операциялари турлари.
55. Европа валюта тизими.
56. Европа валюта тизими асосий элементлари.
57. Европа валюта тизимининг ривожланиш босқичлари.
58. Своп шартномаси.
59. Валюта ва фоиз арбитражи нима.
60. Тўлов балансининг таркиби тузилиши.
61. Пассив тўлов баланси.
62. Тўлов баланси тақчиллигини молиялаштириш манбалари.
63. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар.
64. Актив тўлов баланси нима.
65. Халқаро молия бозор иштирокчилари
66. Халқаро молия бозорлари
67. Қимматли қиғозлар бозори таркиби тузилиши.
68. Халқаро кредитларни иқтисодиётдаги ўрни
69. Эркин иқтисодий зоналарнинг асосий вазифалари.
70. Инвестицион муҳит тушунчаси.

71. Инвестицион муҳитни такомиллаштириш масалалари.
72. Кучмас мулкка жалб қилинган хорижий инвестициялар.
73. Капитал харакатининг тенденциялари.
74. Халқаро баҳолаш амалиёти.
75. Халқаро суғурта бозорининг иқтисодий аҳамияти.
76. Халқаро суғурта операцияларининг иқтисодий моҳияти.
77. Европа суғурта бозори бошқарув структураси
78. Қайта суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари.
79. Халқаро валюта фондига аъзо бўлиши ва ҳамкорлик алоқалари.
80. Акционерлик жамиятлари молияси.
81. Маъсулияти чекланган жамиятлар молияси.
82. Кичик ва хусусий корхоналар молияси.
83. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни тақсимлаш тартиби.
84. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиш тартиби.
85. Солиққа тортилувчи фойда миқдорини аниқлаш.
86. Инвестицияларга оид тушунчалар мазмуни, инвестиция таснифи, аҳамияти, инвестицион “портфели” ва сиёсати.
87. Инвестиция манбалари ва уларнинг корхонага қўйиш соҳалари.
88. Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари.
89. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари ва инвестицион стратегияларининг турлари.
90. Корхона фонд портфелининг диверсификацияси.
91. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолаш.
92. Қимматли қоғозлар портфелининг мониторинги.
93. Портфел инвестициялар билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш усуллари.
94. Корхоналарда молиявий режалаштиришнинг моҳияти ва мазмуни.
95. Молиявий режалаштиришнинг тамойиллари ва усуллари.
96. Корхоналарда бюджетлаштиришнинг мақсади ва вазифалари.
97. Корхона молиясини бошқаришда оператив молиявий режалаштириш таснифи ва мазмуни.
98. Корхоналарда молиявий бизнес-режа тузишнинг аҳамияти ва моҳияти.
99. Бизнес режанинг бўлимлари ва уларнинг таснифи.
100. Корхоналар фаолиятини рақамлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти.

АМАЛИЙ САВОЛЛАРИ

1. Давлат бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этишнинг объектив зарурлиги ва шарт-шароитлари.
2. Давлат бюджети - иқтисодий категория сифатида.

3. Молия ва давлатнинг вужудга келиши, унинг ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ривожланиши.
4. Молиявий сиёсатнинг таркибий йўналишлари.
5. Молиявий сиёсатни давлатнинг молиявий муносабатларини ташкил этишдаги аҳамияти.
6. Молиявий бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари.
7. Молиявий режалаштириш турлари: стратегик молиявий режалаштириш; жорий молиявий режалаштириш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
8. Соф фойдани ва активларни капиталлаштириш жараёнлари
9. Хўжалик юритувчи субъектларни ислоҳ этиш зарурлиги ва вазифалари
10. Давлат молиясининг хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан ўзаро боғлиқлиги
11. Калкуляция моддалари бўйича харажатларнинг бўлиниши.
12. Баҳоларни шакллантиришнинг объектив асослари.
13. Бахонинг тартибга солиш функциясига тегишли бўлган характерли белгилар.
14. Давлат бюджети учун характерли бўлган хусусиятлар.
15. Бюджет тизими: таърифи, принциплари, бошқариш соҳасидаги ваколатлар.
16. Ижтимоий таъминот бўйича харажатларнинг асосий кўринишлари
17. Молия иқтисодий категория сифатида. Молия ва баҳо. Молия ва кредит. Молия ва иш ҳақи. Молия ва солиқ.
18. Молиявий назорат соҳалари: давлат молиявий назорати; нодавлат молиявий назорати.
19. Ижтимоий таъминот бўйича харажатлар (пенсия ва нафақалар)нинг асосий кўринишлари.
20. Уй хўжалигининг таърифи. Уй хўжалигига тегишли бўлган характерли хусусиятлар.
21. Солиқларнинг ўзига хос белгилари
22. Иқтисодий элементларига кўра харажатларни гуруҳларга ажратиш ва уларнинг таркиби.
23. Давлат бюджетдан ташқари жамғармаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
24. Давлат бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этишга таъсир этувчи асосий омиллар.
25. Молиявий назорат ўз ичига олувчи текширувлар.
26. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва обектив зарурлиги.
27. Давлат бюджетини бошқариш тўғрисида тушунча. Бошқариш субъектлари, уларнинг гуруҳланиши, асосий вазифалари.
28. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Давлат бюджети - иқтисодий категория сифатида.
29. Давлат бюджетининг функциялари, уларнинг давлатнинг функциялари билан боғлиқлиги.

30. Бюджет ташкилотлари молиясининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ва уларни смета асосида молиялаштиришнинг мазмуни.

31. Узлуксиз таълим тизимининг шаклланиши, унинг асосий босқичлари ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда давлат бюджетининг аҳамияти.

32. Мактабгача таълим муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш.

33. Умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

34. Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришда давлат бюджетининг аҳамияти.

35. Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини молиялаштириш манбалари ва бу соҳасидаги давлатнинг мажбуриятлари. Бюджет харажатларининг мазмуни, таркиби ва тузилиши. Давлат бюджети харажатларининг давлатнинг функциялари билан боғлиқлиги.

36. Давлат бюджети тақчиллиги тушунчаси ва унинг турлари. Тақчилликни келтириб чиқарувчи омиллар.

37. Бюджет жараёни босқичларини назорат қилиш, назоратнинг асосий вазифалари.

38. Давлат бюджетининг ғазна ижросини ташкил қилиш. Ғазначиликнинг ташкилий элементлари. (ғазна ижроси, бош китоб, ғазначиликнинг бош китоби, ғазначилик органлари, ғазначиликнинг ахборот тизими).

39. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган бюджет назорати.

40. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган бюджет назорати.

41. Суғурта ташкилотининг даромадлари ва харжатларини гуруҳланиши ва уларнинг таркиби.

42. Суғурта бозори тушунчаси ва унинг иштирокчилари. Унинг турлари ва уларга умумий тавсифнома.

43. Суғурта муносабати ва бозорнинг инфратузилмасининг суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти.

44. Суғурта компанияларини ташкил этиш асослари. Суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари.

45. Хориж мамлакатларда суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этиш.

46. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат бюджетининг ўрни ва аҳамияти.

47. Бюджет назорати органлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

48. Давлат бюджетининг ҳолати. Давлат бюджетининг баланслиги, профицит ва тақчиллик ҳолатлари.

49. Ўзбекистон Республикаси Ғазначилиги, унинг бюджет маблағларини бошқаришдаги аҳамияти.

50. Давлат бюджети орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши.

51. Иқтисодийнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фойдасининг аҳамияти.

52. Корхона ялпи ва соф фойдасининг моҳияти ва аҳамияти.

53. Молия тизимининг шаклланишида корхоналар молиясининг тутган ўрни ва моҳияти.

54. Халқаро молия ташкилотлари: Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, ЕТТБ.

55. Глобаллашув шароитида молиявий инқознинг келиб чиқиш сабаблари. (ипотека кредити, ишлаб чиқаришни камайиши)

56. Осиё тараққиёт банкининг асосий йўналишлари. (Банк, кредит, кафолат)

57. Молия-кредит ташкилотларининг жаҳон иқтисодий ривожланишидаги ўрни

58. Халқаро молия ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари

59. Халқаро валюта фондининг бошқарув структурасининг тузилиши

60. Валютани назорат қилувчи органлар фаолияти.

61. Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни ва уларни мустаҳкамлаш.

62. Корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва уларнинг корхоналарни молиявий муносабатларига таъсири.

63. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари моҳияти.

64. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари сметасини тузиш тартиби.

65. Корхоналарда маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

66. Иқтисодийнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятида баҳолар тизими, унинг таркиби ва баҳонинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.

67. Корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушумни режалаштириш.

68. Корхоналар фойдасини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни максималлаштириш.

69. Корхоналар даромадидан тўланадиган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти ва туркумланиши.

70. Бюджетлараро муносабатларнинг жаҳон тажрибалари.

71. Бюджетнинг иқтисодий мақсадлардаги харажатлари.

72. Бюджет тақчиллиги тўғрисида замонавий концепциялар, уларнинг мазмуни ва хусусиятлари.

73. Маданият харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибида туган ўрни ва жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишидаги аҳамияти.

74. Бюджет меъёрлари, улардан сметаларни тузишда фойдаланиш.

75. Моддий маънода давлат бюджетининг моҳияти. Давлат бюджетининг давлат ихтиёридаги марказлашган пул фонди эканлиги. Давлат бюджети - ҳуқуқий категория сифатида.

76. Бюджет таснифининг турлари: даромадлар таснифи, харажатлар таснифи, тақчилликни молиялаштириш манбалари таснифи.

77. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи.

78. Амалдаги солиқ қонунчилигида корхоналар учун мавжуд солиқ имтиёзлари.

79. Бозор шароитида баҳони шакллантиришнинг омиллари ва хусусиятлари.

80. Бозор тараккиёти боскичларига кўра баҳо шаклланишининг хусусиятлари.

81. Ишлаб чиқариш харажатларининг баҳо шаклланишига таъсири.

82. Корхона фойдасининг баҳо шаклланишига таъсири.

83. Корхонанинг баҳо сиёсати ва баҳони шакллантириш стратегияси.

84. Баҳони ҳисоблашда риск даражасининг баҳоланиши.

85. Корхонада баҳони шакллантириш стратегиясининг тўғри танланиши.

86. Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши, моҳияти ва корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти.

87. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари.

88. Корхоналар фойдасини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни максималлаштириш.

89. Корхоналар даромадидан тўланадиган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти ва туркумланиши.

90. Амалдаги солиқ қонунчилигида корхоналар учун мавжуд солиқ имтиёзлари.

91. Бозор шароитида баҳони шакллантиришнинг омиллари ва хусусиятлари.

92. Бозор тараккиёти боскичларига кўра баҳо шаклланишининг хусусиятлари.

93. Ишлаб чиқариш харажатларининг баҳо шаклланишига таъсири.

94. Корхона фойдасининг баҳо шаклланишига таъсири.

95. Корхонанинг баҳо сиёсати ва баҳони шакллантириш стратегияси.

96. Баҳони ҳисоблашда риск даражасининг баҳоланиши.

97. Корхонада баҳони шакллантириш стратегиясининг тўғри танланиши.

98. Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши, моҳияти ва корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти.

99. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари.

100. Корхоналар фаолиятини рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби.

МАСАЛАЛАР

1 - масала

Корхона шоколадли конфетларни ишлаб чиқаради:

Харажатлар	Қиймати (минг сўм)
хом ашё	55 000
Ўрам	1 000
Лицензия	200
Ижара	25 000
Директор, бухгалтер ва бошқа идора (офис) ходимларининг иш ҳақи	800
ишчиларнинг ишбай иш ҳақи	5 000
ишчиларнинг доимий иш ҳақи	2 000
кўриқчилар иш ҳақи	100
Цехдаги ҳисоблагич бўйича электр энергияси учун тўлов	1 000
Жами	90 100

Доимий ва ўзгарувчан харажатларни ҳисобланг.

Ўзгарувчан харажатлар: _____ минг сўм

Доимий харажатлар: _____ минг сўм

2 - масала

Наврўз арафасида, 20 март куни, кафе бир порцияси 10 минг сўмдан 200 порция палов тайёрлади. 110 порция кафенинг ўзида сотилди, улардан 105 порциясининг пули тўланди, 5 порция учун Наврўздан кейин ҳақ тўланади. Байрам арафасида олдиндан 100 минг сўм ҳақ тўлаган фирмага 80 порция жўнатилди. Кафенинг 20 мартдаги тушуми қанча бўлади?

3 - масала

Фирма 1 февралда 100 000 минг сўмлик хизматлар кўрсатишга шартнома тузди. 5 февралда аванс сифатида 15 000 минг сўм келиб тушди. Март ойининг бошида қиймати 50 000 минг сўм бўлган ишларнинг биринчи босқичи бажарилганлиги ҳақидаги далолатнома имзоланди. Фирманинг февраль ойидаги тушуми қандай бўлади?

4 - масала

“Юлдуз” АЖ ҳисобот йилида 60000 пул бирлигида соф фойдага эга бўлди. Жамиятнинг устав капитали 1000 дона оддий ва 50 дона имтиёзли акциялар ҳисобига шаклланган. Ҳар бир акциянинг номинал баҳоси 1000 пул

бирлигига тенг. Жамият уставига асосан имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар улар номиналининг 20 фоизи миқдорида ҳисобланиши белгиланган. Акциялар акциядорлар ўртасида қуйидагича тақсимланган:

С.А.Рахимов – 500 дона оддий акция;

Б.Ш.Азизов – 30 дона имтиёзли ва 200 дона оддий акция;

Б.Х.Зокиров – 20 дона имтиёзли акция;

Б.Ш.Амиров – 300 дона оддий акция.

Ҳар бир акционерга тўланган дивиденд миқдорини аниқланг.

5 - масала

